
"Бекобод"да Қўрғонча, Шодлик, Истиқлол кўчаларининг 3 км қисми текис ва равон бўлди

Бекобод маҳалла фуқаролар йиғини Истиқлол - 1727, Сайилгоҳ - 323, Шодлик - 1131, Наврӯз - 666, Мирзо Улуғбек - 276, Қўрғонча - 637, Гузар - 187 кўчаларининг асфальтланиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда Шодлик, Истиқлол ҳамда қўрғонча кўчаларининг 3 км қисми текис ва равон ҳолатга келтирилди.

Қолган кўчаларда ҳам шағаллаштириш ва асфальтга тайёрлаш ишлари 100 фоизга бажарилган бўлиб, барча кўчаларда жараён давом эттирилмоқда.

Ушбу кўчаларни асфальтлаш жараёни Фурқат тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан олиб борилмоқда.

Мазкур кўчаларда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари олиб борилаётган ишлардан мамнунлигини билдиришмоқда

2023-04-20 13:13:21